

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А 120101 - 2.04

2016 йил "09" 01



**ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ АДАБИЁТ
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар

Мутахассислик: 5А 120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Муратова Э.Д. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Махмудова Н.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Джалилова Х.М. – ЎЗМУ, хорижий филология факультети, “Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Глазырина С.А. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4- сонли баённома).

КИРИШ

Замонавий хорижий адабиёт фани Буюк Британия ва АҚШ мамлакатларидаги адабий жараёнларнинг тарихий тараққиёти, уларнинг муҳим ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги ҳақидаги масалаларни ўргатади. Ушбу фанни ўқитишда XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида адабий жараёнда устуворлик қилаётган йўналиш ва оқимлар, инсонпарварлик ғоялари сингдирилган асарлар, ўз ижод намуналари билан миллий ва жаҳон маданий меросини бойитган ёзувчилар ҳаёти ва ижодига алоҳида аҳамият берилади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Замонавий хорижий адабиёт фанини асосий мақсад – талабаларни иккинчи жаҳон урушидан кейинги адабий йўналишлар ва оқимларнинг эволюцион босқичлари, адабиёт тараққиётининг муайян тарихий жараёнлар билан боғлиқлиги, даврга мансуб йирик адабиёт вакиллари ҳаёти, ижодий йўли ва асарлари билан таништириш ҳамда адабий асарларни таҳлил қилиш ва уларнинг бадиий аҳамиятини баҳолашга ўргатиш.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга адабиётнинг миллий ва маданий ўзига хослиги, муайян адабий оқим намоёндалари бўлган АҚШ ва Буюк Британия ёзувчилари, уларнинг асарлари ва ижоди, умумжаҳон адабий-тарихий муаммолари, адабий жараёндаги ўзаро алоқа, замонавий адабий жараён ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий хорижий адабиёт” фанини ўзлаштириш жараёнида магистр:

- замонавий адабиётнинг методологик тамойиллари;
- Буюк Британия ва АҚШда замонавий адабиёти;
- бестселлер, муаллиф муваффақияти ва адабий феноменларини;
- замонавий адабиёт ва таълим;
- замонавий адабиёт ва постмодернизм;
- адабиёт, модернизм ва постмодернизм;
- феминистик адабиёт;
- постколониаллик ва постколониал дискурс *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- адабий жараённи ташкил этиш шаклларини;
- адабий журналларни;
- адабий мукофотлар тизимининг аҳамиятини;
- адабиёт ва замонавийликнинг ғоявий контекстини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- инглиз ва америка замонавий адабиётининг вакиллари ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиш;
- замонавий инглиз ва америка адабиётининг минтақавий спецификаси аниқлаш;
- турли таҳлил методларидан фойдаланиш;
- турли метод ва жанрдаги бадиий асарни таҳлил қилиш (қиёсий -типологик, қиёсий-тарихий, герменевтик, интертекстуал, стилистик, нарратологик таҳлилларни амалда қўллаш) *кўникмаларига эга бўлиши керак.*
- илмий изланиш методларини амалда қўллаш;

- Турли адабиётшунослик методларидан фойдаланиб бадиий асарни таҳлил қилиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Бакалавр босқичида ўқитилган “Жаҳон адабиёти”, “Адабиёт назарияси” ва “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” фанларида олинган билимлар “Замонавий хорижий адабиёт” фанини ўрганиш давомида умумийлаштирилиб, чуқурлаштирилади. “Замонавий хорижий адабиёт” фани мутахассислик фани ҳисобланади. Мазкур фан “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабий алоқалар”, , “Илмий тадқиқот методологияси”, “Адабий танқид тарихи” ва “Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” фанлари билан муаммоларнинг умумийлиги жиҳатидан бир-бирига ўзаро боғланган.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Замонавий хорижий адабиёт курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар Буюк Британия ва АҚШ адабиёти ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш, ёзувчи ижодининг мантикий ривожини фаҳмлаш, бадиий асар ғоявий мазмунини аниқлашда қўл келади. Бадиий асарни таҳлил қилиш усуллари ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрантларнинг “Замонавий хорижий адабиёт” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Фанга кириш

Замонавий хорижий адабиёт фан сифатида. Замонавийлик чегараси. Замонавий адабиётнинг методологик тамойиллари. Адабиёт ва сиёсат асрлар силсиласида. Бестселлер, муаллиф муваффақияти ва адабий муваффақият феноменлари. Замонавий адабий жараёнлар. Бадиий адабиёт ва адабий мукофотлар институти. Замонавий адабиёт ва адабий танқид. Замонавий адабиёт ва таълим. Замонавий адабиёт ва постмодернизм. “Постмодернизм” атамаси маъносининг фалсафий ва адабий ассиметрияси. Адабиёт, модернизм ва постмодернизм. Постмодернизм концепциясининг шаклланиши.

Постмодернизм ва “Ўзга” муаммоси. Адабиёт ва феминизм. Феминостик адабиёт. Постколониаллик ва постколониал дискурс. Адабиёт ва ҳоқимият. Адабий жараённи ташкил этиш шакллари. Адабий журналлар. Адабий мукофотлар тизимининг аҳамияти. Адабиёт ва замонавийликнинг ғоявий контексти. “Non fiction” адабиёти. Замонавий адабиётда муҳаббат. Замонавий адабиётда шаҳар образи. Замонавий тарихий роман. Буюк Британия ва Ирландия замонавий адабиёти. Замонавий жаҳон адабиёти вакиллари.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин инглиз адабиёти

Биринчи жаҳон урушидан кейин инглиз адабиётида турли адабий оқимлар ўртасидаги кураш. Турли адабий шаклларнинг пайдо бўлиши, ёзувчилар ижодида (Ж. Голсуорси, Ж. Б. Шоу) бадиий тасвир янги кўринишлари. Декаданс оқимининг кучайиши. Модернизм оқимининг ёрқин намоёндаси Т.С. Элиот ижодий йўли. Ж.Жойс ва инглиз модерн насрининг тараққиёти.

“Йўқотилган авлод” адабиёти ва унинг инглиз адабиёти тараққиётига таъсири

“Йўқотилган авлод” тушунчаси. Маданий кадриятларнинг обрўсизланиши, уруш даври ёзувчиларининг маънавий инқирози, иллюзияларнинг йўқолиши. “Йўқотилган авлод” ёзувчилари (Олдос Хаксли, Жеймс Джойс, Ричард Олдингтон) ижодида зиддиятлар, воқеликдан «шахсий дунё»га қочиш масалалари. Р.Олдингтон ва унинг “Йўқотилган авлод”га бағишланган романи “Қаҳрамоннинг ўлими”.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инглиз адабиёти

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Буюк Британия адабиёти. Ижтимоий ва сиёсий, ғоявий ўзгаришлар. Жаҳон колониал тизимининг инқирозга учраши. Сиёсий ҳаётнинг зиёли ёшларга таъсири ва унинг адабиётда акс этиши («жаҳлдор ёшлар» оқими, ўсмирлар романлари, антиколониал роман, “кампус романи”, “ишчи роман” ва «янги тўлқин» драмаси). Постмодернизм адабиёти тушунчаси.

Инглиз адабиётида “Антиколониал роман” (Норман Льюис, Джеймс Олдридж, Бэзил Дэвидсон, Десмонд Стюарт)

Етакчи демократик кучларнинг колониализмга қарши кураши. Британия империясида содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг инглиз адабиётида ёритилиши. Ёзувчиларнинг (Джеймс Олдридж, Норман Льюис, Бэзил Дэвидсон, Десмонд Стюарт) ижтимоий ва ижодий изланишлари ва антиколониал романларнинг пайдо бўлиши. Бадиий асарларда Британия империализмига қарши норозилик ва ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган колониал мамлакат аҳолисига мададкорликнинг акс этирилиши.

“Жаҳлдор ёшлар” йўналиши ёзувчилари

(Джон Уэйн, Джон Брейн, Кингсли Эмис, Филипп Ларкин)

“Жаҳлдор ёшлар” ёзувчилар авлоди пайдо бўлишида мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий вазиятнинг роли. “Жаҳлдор ёшлар” ёзувчилари ижодининг ўзига хослиги. Оқимнинг йирик намоёндалари Кингсли Эмис, Жон Уэйн, Жон Брейн ва Филипп Ларкин.

“Ишчи роман” тараққиёти (А.Силлитоу, Сид Чаплин)

“Ишчи адабиёт” атамасининг пайдо бўлиши. Алан Силлитоунинг “Шанба оқшоми ва якшанба тонги” асари ушбу жанрнинг илк романи сифатида. Ишчилар ҳаёти ва уларнинг ижтимоий муаммоларга қарши кураши. Ушбу муаммога бағишланган бошқа ёзувчилар (Сид Чаплин, Раймонд Уильямс, Стэн Барстоу) асарларининг яратилиши, чоп этилиши ва “Ишчи роман” оқимининг аҳамияти.

Чарлз Перси Сноу ижодининг инглиз адабиётига таъсири

Чарлз Перси Сноу – кўплаб романлар, публицистик эсселар, роман-эпопея “Ўзгалар ва акалар” муаллифи сифатида. Сноу – илмий - техникавий тараққиёт замони рамзи. Сноу – инсонпарвар инглиз ёзувчиси, олим. Сноунинг илмий, педагогик ва ижодий изланишлари. Сноунинг ижтимоий-психологик романи “Ўзгалар ва акалар”. Ч.Сноу ижодининг инглиз ва жаҳон адабиётига таъсири ва аҳамияти.

Грэм Грин ижодининг инглиз адабиётига таъсири

Грэм Грин – XX аср инглиз адабиётини йирик вакили. Инсоният ҳаёти ҳақида қайғурган ва тақдирга таъсир этувчи омилларни англашга интилган инсонпарвар ёзувчи. Ёзувчини ҳаёти ва ижоди. Инсон психологияси ва фалсафий қарашларнинг “Жиддий романлар”да (“Инсоннинг ички дунёси”, “Ювош америкалик”, “Комедиантлар” ва бошқалар) акс этирилиши. Детектив жанрига мансуб “Вақтичоғлик романлари” (“Поезд Истамбулга боради”, “Бизнинг одам Гаванада”, “Ваколатли шахс” ва бошқалар). Жиноят, хоинлик ва қотиллик мавзуларининг ёритилиши.

XX аср инглиз аёл ёзувчилари ва феминистик адабиёт тараққиёти (Виржиния Вульф, Кэтрин Мэнсфилд, Мюриэл Спарк, Айрис Мердок, Берилл Бейнбриж, Маргарет Дрэббл, Сьюзен Хилл)

В.Вульф ижодида янги тасвир воситаларининг қўлланилиши ва психологик мактаб анъналари. Ёзувчининг ахлоқий тамойиллари ва бадиий қаҳрамонлари ички дунёси. Катрин Мэнсфилд – “инглиз Чехов”, аёл тақдири ҳақида кўплаб ҳикоялар муаллифи сифатида. “Кичик мавзу” романлари (Памела Хэнсфорд Жонсон, Берилл Бейнбриж). Экзистенциализм намоёндаси Айрис Мердок ҳаёти ва ижоди ва унинг фалсафий қарашлари (“Тўр тагида”, “Қора шаҳзода”). Замонавий аёл ва унинг жамиятда тутган ўрни масаласига бағишланган романлар. (Маргарет Дрэббл, Сьюзен Хилл).

Уильям Голдинг ҳаёти, ижоди ва фалсафий қарашлари

У.Голдинг – XX аср инглиз адабиётининг йирик вакили. Фалсафий асарларининг панд-насихатли жиҳатлари (“Пашшалар ҳукмдори”, “Меросхўр”, ва бошқалар). Ёзувчи фалсафий қарашларининг бадиий тасвири. Инсоният табиатининг пессимистик руҳда тасвирланиши. Экзистенциализм оқимининг ёзувчи ижодига таъсири ва асарларидаги образларда рамзий маъно ифодаси. Аллегория – ёзувчининг асосий ижодий методи сифатида. Голдинг ижодида модернизм ва натурализмнинг акс этиши.

XX – XXI асрл инглиз адабиёти тараққиётининг ўзига хослиги

Инглиз адабиётининг янги ривожланиш тамойиллари («инглишнесс» тушунчасини аниқлаш масалалари). Анъанавий реалистик дунёқарашни сақлаб қолиш, янги маъно ва шакл излаш масалалари. Бадиий услуб эклектикаси, XX асрда реализм оқимида қарши пайдо бўлган модернизм оқимининг адабий аҳамияти пасайиши.

Хужжатли жанр ривож. Илмий-техникавий тараққиётнинг адабиётга бўлган таъсири. Инглиз адабиётида янги номлар. Неовикториан романлар. Инглиз адабиёти ва инглиз тилидаги адабиётлар ўртасидаги фарқ (К. Исигуро, С.Рушди, З. Смит).

XX – XXI асрларда инглиз шеърятининг тараққиёти

Инглиз шеърятининг янги йўналишлар, мавзу ва шоирлар. Тед Хьюз шеърятининг табиат гўзаллиги, инсон ва ҳайвон ёзувчиларининг ифодаланиши. У.Х.Оден шеърятининг маънавий-маърифий аҳамияти, замон ифодаси (“Ким бу Ким”). Инсоният иллатларининг ифодалашда рамзларнинг ишлатилиши. Ливерпул шоирларининг ижоди.

XX – XXI асрларда драма жанрининг тараққиёти

Ж.Б. Шоу, Д. Б. Пристли, У.С. Моэм пьесаларида ижтимоий ҳаёт тасвири ва уларнинг инглиз драма тараққиётига таъсири. Абсурд театри ривож ва замонавий инглиз драмаси. С. Беккет, Ю. Ионеско, Х. Пинтер, Т. Стоппард, Л.Хелман, Т. Раттиган ижодида драматургия.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Америка адабиёти

“Йўқотилган авлод” адабиёти ва унинг Америка адабиётига таъсири. Урушдан кейинги ижтимоий вазият ва унинг адабиётга бўлган таъсири. Адабиётда янги мазмун, маъно ва шакл излаш масалалари. Сўз – ёзувчининг асосий қуроли. “Йўқотилган авлод” ёзувчилари ижодида уруш фожасининг гувоҳи бўлган, маънавий ва жисмонан мажруҳ, борлиқнинг мантиқий ва ҳаққонийлигига ишончини йўқотган ёшлар тақдирининг акс эттирилиши. Ҳаётда ўз ўрнининг тополмаган авлод тасвири. (Ф.С. Фитсджеральд, Шервуд Андерсон, Жон Дос Пассос). Иқтисодий инқироз – “Буюк депрессия” даври ва унинг америка адабиётига таъсири. Америка адабиётининг миллатчилик ва ирқчилик мавзуси (Э. Колдуэлл, Р. Райт, Л. Хьюз). “Қизил ўттизинчи йиллар” вакиллари (А. Мальц, Ж. Стейнбек). Ишчи адабиёт вакили Ш.Андерсон ҳаёти ва ижоди.

Эрнест Хемингуэй ҳаёти ва ижоди

Э.Хемингуэй ижодида биринчи ва иккинчи жаҳон уруши мавзусининг акс эттирилиши. Э.Хемингуэй “Ўзининг йўқотган авлод” жарчиси сифатида. “Алвидо, қурол” романи. Матн остида маъно - “Айсберг” тамойили. Э.Хемингуэй ижодининг сўнгги даври. “Чол ва денгиз” асари. Африка ва Испания мавзуси. Нобель мукофоти. Ижодий услуги.

Уильям Фолкнер ҳаёти ва ижоди

Фолкнер – Марк Твен ва Теодор Драйзерларнинг инсонпарварлик анъаналари давомчиси. Уильям Фолкнер ҳаёти ва ижоди. Фолкнер ижодида реалистик ва нореалистик оқимлар зиддияти. Уильям Фолкнер ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Снопслар оиласи ҳақида трилогия. Фолкнер романларида жануб, психологизм, замон муаммолари.

Эптон Синклер ва Синклер Льюис ҳаёти ва ижоди

Эптон Синклер и Синклер Льюис ижодининг ўзига хослиги. Эптон Синклер – таниқли романнавис, драматург, танқидчи, журналист-документалист (“Чангалзорлар”, “Қирол Кўмир”). Ленни Бэдд ҳақида эпопея ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ўзгариши. Синклер Льюис – америкалик биринчи Нобель мукофоти совриндори. Америкага хос турмуш тарзи ёзувчи ижодининг асосий мавзуси. Ёзувчиларнинг ижодий услуги.

Джон Стейнбек ҳаёти ва ижоди

Ёзувчининг ҳаёти ва ижодий йўли. Ижтимоий ҳаётнинг реалистик ва танқидий ифодаланиши (“Сичқонлар ва инсонлар”). Ж. Стейнбек романлари. Стейнбек – Нобель мукофоти совриндори. Ёзувчи ижодининг ўзига хослиги. Жон Стейнбек ижодида умидсизлик ва ишонч ғоясининг ифодаланиши.

XX аср афро-америкалик ёзувчилар

(Ричард Райт, Джеймс Болдуин, Ральф Эллисон, Лэнгстон Хьюз)

Афро-америкалик ёзувчилар ижоди ва уларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқлари ва ирқчиликка қарши кураши. Р.Райд, Дж.Болдуин, Р.Эллисон, Лэнгстон Хьюз ижоди. (Харлем Ренессанс, Джаз асри). Ричарда Райт ижодида афро-америкалик аҳолининг ижтимоий аҳволи мавзуси. Ральф Эллисоннинг “Кўринмас одам” романи. Лэнгстон Хьюзнинг ижодий йўли.

Эрскин Колдуэлл и Роберт Пенн Уоррен ҳаёти ва ижоди

Эрскин Колдуэллнинг ижодий йўли. Ўз ижодини “ночорлар” манфаатига бағишлаши. “Замондан қолган анъаналарга” қарши адабиёт. Америка жанубий худудларида фермерларнинг инқирозга учраши ва адабиётда мазкур масаланинг ёритилиши. Э. Колдуэлл ҳикояларининг бадиий ўзига хослиги. Роберт Пенн Уоррен ҳаёти ва ижоди. Иқтисодий тараққиётнинг инсониятга салбий таъсири – хасислик, маънавий кадриятларнинг барҳам топиши ва ўз манфаатини барча нарсадан устун қўйиш муаммоларининг ифодаланиши.

XX аср АҚШ аёл ёзувчилари ва феминизм масалалари

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилиги масаласи. Аёлнинг жамиятда тутган ўрни. Аёл ёзувчилар асарларининг психологик томонлари (Сильвия Плат, Энн Секстон). Кэтри Энн Портер ҳикояларининг бадиий ўзига хослиги. Эмили Дикинсон шеърятининг анъаналарини Элизабет Бишоп ва Андриен Рич асарларида ўз ифодасини топиши. Нобель мукофоти совриндори Тони Моррисон ижоди. Алис Уолкер асарларида ижтимоий муаммоларнинг ёритилиши. Юдора Уэлти, Джойс Кэрролл Оутс, Энн Тайлер ҳаёти ва ижоди ва америка феминистик адабиётини ривожига қўшган ҳиссаси.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка адабиёти

Жаҳонда ва мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазият (“Совуқ уруш”) Конформизм адабиётининг ёйилиши. Экзистенциализм фалсафасининг Америка ёзувчиларига таъсири. Прогрессив адабиётда фуқаролик бурчи, шахсий мажбуриятлар ифодаси. 50-60 йилларда ёшлар ҳаракати ва унинг адабиётда ифодаланиши. “Хиппи” ва “Бит” авлод ёзувчилари. (Жек Керуак, Алан Гинзберг). Афро-америкалик ёзувчилар ижодида тенг ҳуқуқчилик учун кураш ва озодлик ҳаракатларининг акс эттирилиши. Антимилитар романлар. Р.П.Уоррен, Дж.Керуак, А.Гинзберг. И.Шоу, Д.Селинджер, Дж.Джонс, Н.Мейлер, К.Воннегуд, Д.Хеллер – урушда қатнашган ёзувчиларнинг ижодий фаолияти.

XX – XXI асрларда Америка адабиёти

Норманн Мейлер ҳаёти ва ижоди (публицистика, ҳужжатли роман). Жон Апдайк ҳаёти ва ижодида Америкадаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар тасвири. Томас Пинчон асарларида инновацион фантазиянинг ёритилиши. Жон Варт – романнавис ва турли мавзуларга бағишланган ҳикоялар муаллифи. Осиё-америкалик ёзувчилар - Максин Хонг Кингстон, Эмми Тан, Дэвид Хенри Хванг ижодида кичик этник гуруҳларнинг Америкадаги ҳаёти тасвири. Янги минтақавий адабиёт. Замонавий

Америка адабиёти. Ижодий услуб ва маҳорат масаласи. Дж.Гарднер, Дж.Апдайк, Сол Беллоу, Чарлз Райт, Ж.Грехемларнинг ижодий фаолиятлари. Р.Брэдбери, А.Азимов, С.Кинг асарларида илмий фантастика.

XX – XXI асрларда Америка шеърияти

Америка шеъриятида янги ёзувчилар ижоди, йўналишлар ривожига ва турли мавзулар акси. Т.С. Элиот ҳаёти ва ижоди. Джеймс Уелч ижодида Америка туб аҳолисининг резервациялардаги қийинчиликларга қарши кураши тасвири (“Қонга булганган қиш”). У. Х. Оден ҳаёти ва ижоди. Амири Барака – драматург, шоир ва сиёсий арбоб. Африка халқининг интеграциялашувига қарши ғояларнинг шеъриятда акс эттирилиши. Америкалик шоиралар ва улар шеъриятининг асосий мавзулари.

XX – XXI асрларда драма жанри

Америка драмаси тараққиёти. Теннесси Уильямс, Август Уилсон, Артур Миллер, Д. Гелбер, Э. Олби ҳаёти, ижоди ва драматургиясининг ўзига хослиги. Ёш драматурглар авлоди, янги муаммо ва мавзулар. Ж. Файфер (“Кичик котиллик”, “Оқ Уйдаги котиллик”), Г. Саклер (“Буюк соф ишонч”), Н. Шейндж, Д. Мэмет, С. Шепард, О. Уилсон драматургияси.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Замонавий хорижий адабиёт фан сифатида. Замонавийлик чегараси.
- Замонавий адабиётнинг методологик тамойиллари.
- Иккинчи жаҳон урушидан олдин инглиз адабиёти
- “Йўқотилган авлод” адабиёти ва унинг инглиз адабиёти тараққиётига таъсири
- Иккинчи жаҳон урушидан кейин инглиз адабиёти
- Инглиз адабиётида “Антиколониал роман” (Норман Льюис, Джеймс Олдридж, Бэзил Дэвидсон, Десмонд Стюарт)
- Эрнест Хемингуэй ҳаёти ва ижоди
- Уильям Фолкнер ҳаёти ва ижоди
- Эптон Синклер и Синклер Льюис ҳаёти ва ижоди
- Джон Стейнбек ҳаёти ва ижоди
- XX аср афро-америкалик ёзувчилар (Ричард Райт, Джеймс Болдуин, Ральф Эллисон, Лэнгстон Хьюз)
- Эрскин Колдуэлл и Роберт Пенн Уоррен ҳаёти ва ижоди
- XX аср АҚШ аёл ёзувчилари
- Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка адабиёти
- XX – XXI асрларда Америка адабиёти
- XX – XXI асрларда Америка шеърияти
- XX – XXI асрларда Америка драмаси

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини

мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий хужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар
Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар
Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Замонавий хорижий адабиёт фанини ўрганиш жараёнида магистрантлар аудиторияда олган амалий билимларини мустаҳкамлаш ва адабий муаммоларни ҳал этишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганадилар, интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий докладлар, кўргазмали куруллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади:

- * дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- * тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- * компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- * махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- * талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Ч.П. Сноу ижодида эзгулик ва ёвузлик масаласи.
2. Грэм Грин ҳаёти ва ижоди.
3. XX аср АҚШ аёл ёзувчилари.
4. Айрис Мердок фалсафаси.
5. Жером Дэвид Селинжер ҳаёти ва ижоди.
6. XX аср иккинчи ярми Америка адабиёти.
7. XX аср Америка адабиётида янги адабий оқимлар.
8. Замонавий роман.
9. Замонавий шеърият.
10. Замонавий драматургия.
11. Инглиз ва америка адабиётида Нобель мукофоти совриндорлари.

Дастурнинг инфор­мацион – услубий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилади. Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Хорижда ва республикамизда нашр этилган илмий адабиётлар, махсус журналлар ва илмий мақолалар тўплами, адабиётшуносликка бағишланган интернет сайтларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Замонавий хорижий адабиёт бўйича мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш, диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, турли адабий методларни тадқиқ қилиш магистрантларга диссертация ёзишда қўл келади. Бунда интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдимот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Liliana Sikorska. An outline history of English literature. 2003, 529p
2. Oxford companion to English literature. Margaret Drabble. Oxford University press. 2000.
3. Richard Gray. A History American Literature. Second Edition. Blackwell Publishers Ltd (1e, 2004)

Қўшимча адабиётлар:

1. Bakoeva M. Muratova E., Ochilova M. English Literature. Tashkent 2010
2. Gale Contextual Encyclopedia of American Literature. 2009, Gale. USA
3. Oxford History of English Literature. The Pelican Guide to English Literature. The chronology of American literature. America's Literary Achievements from the Colonial Era to Modern Times. Edited by Daniel S. Burt Boston New York, 2004 .

Интернет сайтлар

1. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
2. <http://www.twirpx.com>
3. <http://www.uz-translations.net>
4. <http://www.booksbooksbooks.ru>
5. <http://www.literature-online>

¹ Адабиётлар рўйхатиغا ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

